КУТУБХОНАСИ
тадқиқотлар институти


# Миллий Тикланиш

Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партиясининг ҳафталик газетаси | 1996 йил, 21 май | 20 (49)- сон


## ЖАДАЛЛИК ОРБИТАСИ

Дунё назаримда худди жадаллик орбитасига кирганга ўхшайди. Оламда ҳаракат тезлашди. Борди-келдилар шитоб билан бири изидан минг бўлиб уланиб боряпти. Воқеалар ортидан воқеалар етилиб турибди. Бу яхшими, ёмонми? Илгариги темир деворлар орқасида нима қилишни билмай бош танғиб ўтиришлар қайда?

Ўзбекистон ҳам ниҳоят мустақил давлат, мамлакат сифатида дунёнинг шу жадаллик орбитасига кирди, қўшилди, унинг бир муҳим аъзосига айланди.

Куни кеча Ҳамдўстликка аъзо мустақил давлатлар бошлиқларининг салобатли учрашувларини ТВда кўриб, таъсирланиб ўтириб, бу муҳташам зал, муҳташам давра, муҳташам доира столда баҳс олиб бораётганлар, мамлакатлари ҳамда халқлари тақдири устида қайғураётганлар зиммасидаги ижтимоий юк залвори, ижтимоий масъулият қудратини сезмаслик, англамаслик сира мумкин эмас эди.

Уларнинг ҳаммалари янги мустақил давлатларнинг раҳбарлари. Ҳаммаларининг елкаларида мустақилликни қуриш, мустақилликни асраш, мустақилликни аллакимларнинг оғриқ, бошида қўзғалиб келаётган аён ва ноаён экспансияларидан ҳимоя қилиш ва ниҳоят ҳар қандай ҳолда ҳам мустақилликнинг дахлсизлигига кафолат бўлиб туришдек мислсиз улуғ бир вазифа бор.

Улар янги давлатларнинг вакиллари. Янги, балки илгари ҳеч қачон ҳеч ким томонидан ўтилмаган йўллардан бораётган кишилар. Булар кутилмаган муаммолар ҳар қадамда дуч келиб турадиган янги йўлларнинг эгалари ва қурувчилари. Эҳтимол, Жак Ширак, Хелмут Кол ёки Клинтон ва Демирэлга ҳам осон тутиб бўлмас. Лекин улар ҳар қалай неча ўн ва неча юз йиллаб тамомила шаклланиб етган демократик ҳуқуқий давлатчилик ҳамда етук жамиятчилик изига тушган, одамлари шунга қаттиқ кўниккан ва яхши одатланган, демократик қонун-қоидалар кишилари онгига жуда чуқур сингиган ва ҳатто инсон табиатининг ажралмас тарбияланган бир узвига айланган мамлакатларни бошқарадилар.

Ҳар бир сўзлари, ҳар бир хатти-ҳаракатлари, ҳар бир ишлари учун ҳар дамда мамлакат халқи олдида ҳисоб берадилар. Улар узоқ замонлар асорат нималигини билмаганлар, бошларидан кечирмаганлар.

Ҳамдўстликка аъзо мамлакатлар эса тамомила бошқача воқелик эгасидирлар. Улар — Русиядан тортиб Молдовагача — мустақиллик нима эканлигини фақат энди-энди билмоқда, англамоқда, маъно-мазмунига етмоқдалар. Улар кечаги ўтмишда тоталитаризм асоратларини тугал ижтимоий балоғат, камолат, етуклик деб тушунар ва тушунтирар эдилар. Мустақилликка эришгандан сўнг бу давлатларнинг кўзлари очилди ва ўша балоғат деб тушунтирилган ҳодисалар балоғат эмас, бошдан охир фалокат эканлиги аён бўлди. Оёқ-қўлларимизни чирмаб ташлаган нарсалар етуклик эмас, тубанлик эканлиги онгларга мана энди бориб етмоқда.

Айтайлик, Франсия шундай даҳшатли асорат — маънавий ва ижтимоий асоратни бошидан кечирганми?

Кечирмаган! Тўғри, Франсия ҳам бир замонлар асоратга, қарамликка солувчи мамлакатлар қаторида турарди. Лекин унинг маърифатли фарзандлари ўзларини озод ва ҳоким, ўзгаларни эса қул ва тобе ҳолда кўришни истамадилар, бу шармандали ҳодиса билан ҳеч қачон келишмадилар, муроса қилмадилар. Улар мустамлака ва мустамлакачилик кайфлари, тамойиллари, одатланишларини ўз бошларидан бутунлай улоқтириб ташладилар, ўзгаларни қандай шаклда бўлмасин, қарамликка солиш энг оғир зулм ва разолат эканлигини тўла англаб етдилар.

Улар ўзлари тараққиёт ва фаровонликка эришиб, бошқаларга ҳам шундай тараққиёт ва фаровонликни соғиндилар. Сиёсатларини иккинчи жаҳон урушидан кейин ана шу олижаноб инсоний асосга қурдилар.

Ҳамдўстликка аъзо мустақил мамлакатлар эса асоратдан — ўтмишнинг маънавий, ижтимоий асоратидан ва қолдиқларидан қутулиш учун қанчалар улуғ кучлар сарфламоқдалар! Кечаги ўн йилликларда бир эмас, ўнлаб асоратлар устига асоратлар қалашиб ётар эди. Асоратлар қават-қават бўлиб кетган эди. Кишилар бу асоратлар ичра неча ўн йиллаб яшаб, уларга кўникиб, бола-чақалари билан шунга ўрганиб, шуни ҳаёт деб билар эдилар. Билиб билмаганга, кўриб кўрмаганга, сезиб сезмаганга, тушуниб тушунмаганга олар эдилар ўзларини! Озодлик истаганларни танклар билан бориб мажақлаб ташласалар, буни хурсанд бўлиб қутлашар эдилар. Энг ашаддий босқинчиликни бир-бирларига биродарлик деб тушунтирмоқчи бўлар ва ўзларини шу алдовларга зўр бериб ишонтирар эдилар. Оғизлари тўла нон — бошқа тилда сўзлашар — озодлик, эрк, ўз инон-ихтиёри билан яшаш — буларни англашни истамай қўйган эдилар.

Ҳақиқатан ҳам! Онгдаги асорат энг ёмон асорат, энг қийин асорат, энг ғайри ахлоқий асорат!

Куни кеча Ҳамдўстликка аъзо давлатларнинг президентлари учрашувида БМТ Бош котиби Бутрос Бутрос Ғолийнинг президентлар ва улар орқали мустақилликка чиққан уларнинг халқларига қарата нутқ сўзлаши — асоратлардан халос бўлишларни қутлаш ва улар эришган озодликка ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш эди. Бу ажиб бир воқеа! Ва жаҳон ҳам, янги мустақил давлатлар ҳам янги муомала, янги муносабат, янги ижтимоий адолат ва иқтисодий жадаллик орбитасига чиққанликларидан дарак берди. Бу озодлик орбитасидир!

**МУҲАРРИР**

## УЧИНЧИ ЙЎЛ

### «ИЖТИМОИЙ ЙЎНАЛТИРИЛГАН БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ»

Бир тузумдан иккинчи тузумга ўтиш шунчаки жараён эмас. Бозор иқтисодиёти билан боғлиқ ҳозирги мураккаб шароитда эркимизни қўлга олдик, мустақиллигимизни, истиқлолимизни кўз қорачиғидек асраб, танлаб олган йўл — очиқ, эркин бозор иқтисодиётига асосланган кучли фуқаролик жамият, демократик ҳуқуқий давлат қуриш йўлидан бораётирмиз.

Кўп нарса раҳбарга боғлиқ. Зукко раҳбарлар ишлаётган корхона ва муассасаларда халқчил чора-тадбирларнинг самаралари, кишилар турмуш шароити яхшиланиши билиниб турибди. Лекин уқувсиз, қолоқ, журъатсиз раҳбарлар етакчилик қилаётган жойларда одамларнинг ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлардан кўнгли тўлмайди. Бундай раҳбар бозор иқтисодиётига ўтиш сиёсатини амалга ошириш, келажаги буюк давлат қуришдек мақсадимизни рўёбга чиқаришда замондошларга, умум ишимизга халақит бериши табиий. Ҳозирги давр эса ҳуқуқий, иқтисодий, сиёсий муносабатларда эскича ўйлаш, фикрлашдан холи, ташаббускор, чуқур билимларга эга, уларни амалиётда қўллай оладиган раҳбарларни талаб этади.

Шундай раҳбарларни тайёрлашда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши Академиясининг ҳиссаси каттадир. Биз ҳозир умуман Академия фаолияти ҳақида сўз юритмоқчи эмасмиз. Академияда қилинаётган ишлардан бир улуши ҳақида гапириб ўтмоқчимиз, холос.

Шу кунларда «Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг бош таҳририяти «Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти» номли китобни китобхонлар оммасига, жумладан, Академия тингловчиларига ҳам тақдим этди.

Бу китобнинг асли Олмонияда чоп этилган бўлиб, Академия мутахассислари томонидан ўзбек тилига таржима қилинган ва нашрга тайёрланган. Унда Олмониянинг ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантириш тажри-




баси, унинг амалиётда қўлланилиши, бозорнинг ўз-ўзини тартибга солиш ғояси, давлатнинг бозор иқтисодиётини тартибга солиш воситалари, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётининг ижтимоийлик чегаралари қандай аниқланиши каби масалалар ёритилган ва Олмония Федератив Республикаси мисолида кўрсатилган. Бундан ташқари китобда маъмурий-буйруқбозлик иқтисодиёти нуқсонлари ҳақида ҳам фикр юритилиб, давлат ва бозор муаммолари, баҳо, рақобатчилик, ижтимоий муҳит, дотатсиялар, иқтисодий ўсиш ва инвеститсиялар ҳақидаги баҳс-мунозаралар диққат-эътиборни жалб қилади, мустақил фикр юритишга ва бу муаммолар қанчалик даражада бизнинг давлатимизда пайдо бўлиб ечилиши ҳақида ўйлашга даъват этади. Чунки мақсадимиз ижтимоий йўналтирилган барқарор иқтисодиётга, очиқ ташқи сиёсатга ўтиш ва фуқаролик давлатини қуришдан иборатдир. Бу йўлимиз жаҳон тажрибасини ўрганиб халқимизнинг турмуш тарзини ҳар томонлама ҳисобга олган ҳолда адолатли, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти ривожланишига асосланади. Мана шу нуқтаи назардан ҳам «Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти» китоби биз, тингловчилар учун, қолаверса барча китобхонлар учун катта аҳамиятга эга.

Олмония тажрибасидан у ерда амалга оширилаётган бозор иқтисодиёти қонуниятлари ривожини ўрганиб, иқтисодий билимларимиз асосини чуқурлаштириб, уларни келажакдаги ўз фаолиятимизда қўллаш имкониятига эга бўламиз. Ишонамизки, бу китоб республикамиздаги барча иқтисодчилар, тадбиркорлар, бошқарув органлари ходимлари ва талабаларнинг иқтисодий билимларини ривожлантиришда ва мустаҳкамлашда, амалиётда қўллашда катта хизмат қилади. Чунки ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига эришиш бизлардан билимдонликни, ташаббускорликни, меҳнатда фидойиликни, адолатпарварликни, мустақил фикр юрита билишни ва кўп ишларни сўзда эмас амалда бажаришни талаб қилади. Биз шунга тайёр бўлишимиз керак.

Бундан кейин ҳам Давлат ва жамият қурилиши Академиясининг мутахассис олимлари томонидан чет эл тажрибаларидан, ўз она-юртимизнинг муаммолари ва уларни бартараф этиш, иқтисодиётимизни мустаҳкамлаш, давлатимизни демократик тарзда юксалтиришга оид қўлланмалар, китоблар тайёрланиб, чоп этиб борилса, айни муддао бўлар эди. Чунки биз билимга чанқоқ халқмиз.

**Шаҳриёр РЎЗИМУРОДОВ,**
**Рустам ШОАБДУРАҲМОНОВ**
**Президент ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши Академиясининг тингловчилари**

## СИЭТЛЛИК МАНЗАРА УСТАСИ

Америка билан биродарлигимизнинг хушнасим шабадалари эсиб, икки улуғ океан бўйларидан бизнинг кўҳна Тошкентимизнинг бугун ям-яшил тароватли кўчаларигача сарин ҳаво таратиб кириб келмоқда.

Тошкент АҚШнинг муҳташам шаҳарларидан бири Сиэтл билан ака-ука тутинган. Ўртада ҳурмат-эътиборлар шундайки, дам Сиэтл — Тошкентни ака, дейди, дам Тошкент — Сиэтлни.

Икки қитъанинг икки буюк шаҳари ўртасидаги маданий, иқтисодий, дўстона алоқалар кун сайин мустаҳкамланиб бормоқда.

Мана, куни кеча Тошкентда Матбуотчилар саройида Американинг атоқли фотографларидан бири Рей Мйюз жанобларининг суратлари кўргазмаси анъанавий карнай-сурнайлар садоси остида очилди. Карнайлар одатда оламга фарзанд келганлиги қувончини маълум этади. Бу сафар Тошкентнинг зўрабор карнайлари шаҳримизга улуғ санъаткор Рей Мйюз меҳмон бўлиб келганлигидан дарак берди ва унинг ҳамроҳлари у билан бирга келган биродарларимиз тимсолида Сиэтлни қутлади.

Гапнинг очиғи, Мйюзнинг суратларини кўрса кўргудек! Уларда Сиэтл, Калифорния, Орегон манзаралари, пурвиқор қорли чўққилар, гўзал кўрфазлар, ям-яшил сершукуҳ ўрмонлар, гўзал табиат бағрига ёриб кираётган инсон иродаси — олтин кўприклардан тортиб мўъжизавий шамол электрстансияларигача ажиб бир панорама тарзида акс этади.

Мен Рей Мйюз бобонинг суратларида оппоқ хаёлий булутлар асли булутлардан ҳам, зумрад ўрмонлар — асли ўрмонлардан ҳам, қумлоқ денгиз соҳиллари — асли соҳиллардан ҳам гўзалроқ, жозибалироқ, маънодор ва мазмундорроқ эканлигини кўрдим. Уларда илоҳий бир файз кезиб юргандай ва ҳар бир суратга жонли бир руҳ ато этгандай туюлади.

Фотография худди энг қудратли ранг-тасвир санъати, энг қодир рассомлар билан баҳслашаётгандай ва бу баҳсда, нима ҳам деймиз, — ютиб чиқаётгандай.

Рей Мйюз суратларида табиат беҳад улуғвордир. Улар Американинг улуғворлигига муносиб ва ҳар бир сурат бир бадиий санъаткорона образ — таъбир жоиз бўлса, Байрон қаламига муносиб поэмадир.

Ҳа, дарвоқе, Рей Мйюз ҳозир Тошкент ҳокимининг меҳмони бўлиб турибди, мамлакатимиз, халқимиз ҳаёти билан танишмоқда. Унинг кўргазмасини «Дийдор» фирмаси ташкил этди.

Хуш келибсиз, жаноб Рей!

Қадамингизга ҳасанот!

**Иброҳим ҒАФУРОВ**



**Америкалик сураткаш-рассом Рей Мйюз ўз кўргазмасида.**



**Сиэтл манзараси**

## АРАБ ТАДБИРКОРЛАРИ — ТОШКЕНТДА

17-20 май кунлари «Ўзбекэкспомарказ» Республика савдо-кўргазма марказида Бирлашган Араб Амирликларининг ташқи савдо, саноат ва сайёҳлик ривожланган Шаржа Амирлигининг экспорт маҳсулотлари кўргазмаси бўлиб ўтди.

Шаржа Амирлигининг энг етакчи фирмалари халқ истеъмоли молларини намойиш этган бу кўргазма очилишида матбуот конференсияси уюштирилди. Бирлашган Араб Амирликлари савдо-саноат палатаси Федератсияси раиси, делегатсия раҳбари Ҳасан Абдулло Нўъмон журналистлар саволларига жавоб бериб, Тошкентда очилган бу кўргазма икки мамлакат ўртасида савдо-иқтисодий алоқалар, маданий ва сайёҳлик соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантиришга хизмат қилишини таъкидлади.

Кўргазма кунлари давомида араб тадбиркорлари ва Ўзбекистоннинг бир қатор вазирликлари ҳамда муассасалар вакиллари иштирокида бизнес-семинар бўлиб ўтди. Унда икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорликнинг янада равнақ топиши учун мавжуд барча имкониятлардан тўлароқ фойдаланиш масаласи муҳокама этилди.

**Б. САИДОВ**

## ОЙДИН СОБИРОВА ЁДИ

Тарихнинг бурилиш нуқталарида Улуғ Шахслар, Буюк Истеъдодлар етишиб чиқади. Айтайлик, муғул истибдодидан юраги қон бўлган мазлум халққа Соҳибқирондек зотга нисбатан улкан эҳтиёж бор эди: сал бўлмаса инқирозга учраб, «қора халқ», бозор лаҳжасининг муомала воситасига айланиб бораётган туркий тил Навоийдек зоти муборакка муҳтож эди. Ва балким, ким билади, улуғ Шахслар эҳтиёж фарзандлари сифатида эмас, айнан тарихнинг бурилиш нуқталарини ҳосила этгувчи воқелик сифатида майдонга чиққай. Зеро, бизга кўп йиллар давомида тарихни фақат ва фақат халқ бошқариб боради дея ботбот таъкидлаб келишган эсада, мисол учун улуғ Свейг бу фикрнинг аксини айтганидан, яъни тарихни шахслар бошқаради деган нуқтаи назарида собит тураверганидан боxабар эдик.

Улуғ Шахс — ўз даври, замонаси эҳтиёжига монандан дунёга келган, камол топган буюк салоҳият соҳибидир. Таассуфки, кўп беадад истеъдод эгалари замоналаридан анча аввал ва айрим ҳолларда кейин туғилиб қоладилар.

Ойдин Собирова айни кунларимизда ижод қилмоғи жоиз эди: ҳеч бўлмаса олтмишинчи йилларда эсиб қолган андаккина эркинлик шабадаларидан илҳом олиб ёзмоғи лозим эди. Илло, опанинг қалами ўткир эди, кузатишлари теран эди, хулосалари умуминсоний эди. Мен ҳатто у кишининг асарларидаги айрим нуқталарини, мисол учун Жорж Санд прозасидан ҳам баланд қўйган бўлардим. Аммо Ойдин опа асримизнинг энг фожиали йилларида ёзди. Ва ўз замонаси талабларидан келиб чиққан ҳолда ёзди.

Табиий, опага осон бўлмаган, бизга эса йиллар ортидан туриб ҳукм чиқараверии ўнғай. Ҳолбуки, ҳеч бир ижодкорни ўз замонасидан айириб олиб, алоҳида баҳолаб бўлмайди ахир. Холисанилло айтганда, Ойдин Собирова ҳам ўз даври мафкурасининг, ғоявий талабларининг ижодкори эди, холос. Маҳкумликда ижод қилиш асло осон кечмайди, айниқса унинг ўзи бу ҳолатни юрак-юракдан ҳис қилиб турганида... Яқинда жамоатчилик Ойдин Собированинг 90 йиллигини нишонлади. Адиба ҳақида хотиралар сўйланди. Юрак сўзлари айтилди.

Муҳтарам мухлисларимиз! Қуйида бир сурат эътиборингизга ҳавола этилмоқда. Унда адибамиз Ойдин Собирова билан бир номаълум аёл акс этган. Сурат 30-йилларда, Ялтада олинган. Суратга синчиклаброқ разм солинг. Эҳтимол орангиздан кимдир сурат тафсилотини, Ойдин опамизнинг ёнида ким турганини билар. Эҳтимол танишбилишларингиз, қариндош-уруғларингиздан кимдир опа билан боғлиқ хотираларини сиз билан ўртоқлашгандир. Агар шундай бўлса, бизга албатта ёзиб юборинг. Шу сурат баҳона жафокаш адибамиз ҳаёти, ижоди билан янада яқиндан танишиш имконияти туғилса не ажаб...

**Г.МУРОДАЛИЕВА**



**Суратда: Ойдин Собирова (чапда), 1936 йил, Сочи**

## «ОЗОДЛИК» РАДИОСИ ДЕЙДИКИ...

Собиқ Совет Иттифоқининг қайтадан тикланишини истаган ва ундан манфаатдор бўлган конкрет сиёсий партиялар, конкрет оммавий ахборот воситалари ва реал шахслар бор. Уларнинг номларини айтиш керак.

Хўш, бу сиёсий кучлар кимлар? Маълумки, Совет Иттифоқининг тарқалиб кетиши, бу иттифоқнинг сақлаб қолинишини истаган сиёсий кучларнинг хоҳиш-иродасига қарши бўлган эди. Бундай кучларнинг бошида коммунистлар турганлиги ҳеч кимга сир эмас.

Улар Русияда бўлгани каби қолган собиқ Совет жумҳуриятларида ҳам бор эди. Иқтисодий бўҳрон, ички низолар ҳамда сиёсатдаги қонхўрлик билан характерланиши мумкин бўлган ўтган 5 йил Русияда 1991 йилда танланган демократик сиёсатни унчалик оқламади. Аксинча, турмуш тарзининг пасайиб кетиши, жиноятчиликнинг ортиши сингари факторлар ташқаридан қарагандагина фаровон кўринган собиқ тузумни қўмсаш кайфиятини юзага келтирди.

Бутун Русияда президентлик сайловлари яқинлашаётган бир пайтда ҳар бир сиёсий куч ҳокимият учун курашда алоҳида потентсиалдан фойдаланиб қолишга уринмоқда. Коммунистлар ҳамда натсионал патриотлар шу пайтгача «Яшасин Совет иттифоқи» деган кулгили шиорлар билан чиққан бўлсалар, бугун ўзлари аксарият кўпчиликни ташкил этган парламентда ана шу иттифоқни тиклаш учун ҳуқуқий асослар ахтара бошладилар.

Бу тактик маънода ҳам, стратегик маънода ҳам чуқур ўйланган бир нарса. Ўзбекча қилиб айтганда — тузоқдир. Бу тузоққа тушмаслик айни пайтда ҳар бир онгли фуқаронинг тутган позитсиясига ҳам боғлиқдир. Шу маънода айтиш мумкинки, Ўзбекистон матбуоти кечаётган жараёнларга фаол муносабат билдирмоқда.

«Ватан» ҳафталик газетасининг шу йил 7-сонида эълон қилинган ЎзФА Алишер Навоий номидаги Адабиёт институтининг етакчи илмий ходими, филология фанлари доктори, таниқли олим Иброҳим Ҳаққулнинг «Хомтамалик хуружи» номли мақоласи бу жараённинг кўпроқ руҳий-маънавий жиҳатларини таҳлил қилишга бағишланади.

Сохта озодлик, сохта тенглик тушунчаларининг замири пуч нарсалар эканлиги, том маънодаги ҳурмат эса инсон зиммасига ниҳоятда катта масъулият юклаши ҳақида ёзар экан, буюк шоир Чўлпоннинг сатрларини келтиради.

Собиқ Совет Иттифоқини қайтадан тиклаш ҳақидаги қарорини «хомтамалик хуружи» деб атаган муаллиф бундай хуружларнинг ҳар хил шаклларида юзага чиқиши, ҳар қандай ҳаракатнинг тамалини шахс мустақиллиги ташкил этмаганлиги тақдирда уларга барҳам беришга қодир миллий руҳ ва умумий маънавий қувватнинг имкониятлари чекланиб қолаверишини таъкидлайди.

Мустақилликнинг энг муҳим, энг мустаҳкам қўрғони, аввало шахс эркинлиги ва ақлий руҳий мустақилликдир, деб ёзади олим. Маънавий, руҳий хурлик мақомларига кўтарилган шахс ҳеч қачон ватан ва миллат эркига юзаки қарай олмайди.

«Миллий тикланиш» газетаси шу йил 16 апрел кунида худди шу мавзуга бағишланган икки мақола эълон қилган. Муҳаррир изоҳ билан эълон қилган «Озод дунёга озод интегратсия» номли биринчи мақолада интегратсия, ҳамжамият, ҳамдўстлик сингари тушунчаларнинг тагидан тобора равшанлашиб, уч бериб келаётган оғир, хунук оқибатлардан сергак тортишга чақирилади.

Озод дунё озод интегратсия истайди, деб ёзади муҳаррир.

«Боғимизга тош отманг, жаноблар» деб номланган бошқа бир мақолада эса таниқли публитсист Абдуқаҳҳор Иброҳимов рус Думаси чиқарган қарорнинг моҳиятини очиб бериш мақсадида Русиядаги мустамлакачилик сиёсатининг тарихига мурожаат қилади. Шунингдек, интегратсия тушунчасини атрофлича таҳлил қилишга уринган публитсист бу ҳодисанинг миллий мустақиллик ва давлат суверенитетига ҳеч қандай алоқаси йўқ деб ёзади.

Маълумки, мустақиллик ғояси ўз-ўзидан эътиқод масаласига бориб тақалади. Мақоланинг давомида муаллиф Коммунистик партия ҳамда коммунистик эътиқод тушунчалари ҳақида ҳам сўз юритади. Собиқ Совет Иттифоқи коммунистик партиясининг 20 миллиондан ортиқ аъзосининг ҳаммаси ҳам маслак жиҳатидан коммунист бўлмаган деб давом этади у. Аслида компартия сиёсий ташкилот эмас, балки давлат муассасаси бўлган. Ижро ҳокимияти ҳам унинг қўлида бўлган. Шу сабабли кўпчилик дилида бошқа маслакда бўлса-да, замонасозлик қилиб фирқага ўтганлар жуда кўпдир.

Собиқ СССРнинг бир бўлаги бўлган собиқ Ўзбекистон компартиясининг ярим миллиондан ортиқ аъзосининг аксарият қисми коммунистик маслакда эмас эдилар дейиш мумкин, деб ёзар экан муаллиф бунинг исботи сифатида ҳаётий далилларга мурожаат қилади. Ўзбекистонда ҳеч қачон ҳақиқий маънода компартия бўлмаган, ҳозир ҳам йўқ, бўлиши ҳам мумкин эмас, деб сўзларини якунлайди муаллиф.

Озодлик, мустақиллик ғояси ҳаммани бирлаштирди, деб ёзилади мазкур мақолада. Ана шундай бирлик руҳини бугун ўзбек матбуотида чоп этилаётган мақолаларнинг умумий руҳидан ҳам сезиш мумкин.

Профессор

Лазиз ҚАЮМОВ:

# БИРГА ЎҚИГАН ЭДИК...

*Бугун республикамиз миқёсида ажойиб шоира Саида Зуннунованинг 70 йиллиги кенг нишонланмоқда. Шу баҳонада «МТ» мухбири таниқли олим Лазизхон Қаюмов билан учрашиб, устознинг С. Зуннунова ҳақидаги хотираларини ёзиб олди.*

**— Домла, Саида опа билан бир курсда таҳсил олган экансиз. Ўша талабалик йиллари ҳақида икки оғиз гапириб берсангиз.**

— Саида Зуннунова мана шу филология факултетига (у вақтларда ТошДУ эмас САДУ дейиларди), 1947 йил 1 сентябрда талаба бўлиб кириб келган. Мен ҳам ўша йили, ўша кунда шу факултетга ўқишга кирганман. Аммо Саида опам биздан каттароқ эдилар, таниқлироқ эдилар. Ўзлари бизга худди опадек меҳрибонлик қилардилар. Беш йил дорилфунун даргоҳида бирга таълим олганмиз. Саида опам ўқишга келганларида Андижонда шеърлари, мақолалари чиққан, шеърлари қўшиқларга айланган, номлари анчагина танилган шоира эдилар. У кишининг номларини эшитганда, сиз кимсиз? — деб сўрашнинг ҳожати йўқ эди, чунки исмлари радиода тез-тез эшитилиб турарди.

Биз эса, ёш адабиёт мухлислари ўша вақтда ёзувчи ва шоирларнинг ижодларига ихлос қўйиб, катта-кичик асарларини ўқиб, ўзимизни адабиёт хизматига тайёрлаб юрар эдик. Ҳозирги Амир Темур ҳиёбонидаги иккита эски бино — эски университет бинолари эди. Шуларнинг чап томонидаги бино машҳур гимназия бўлган, Фурқат ўқиган гимназия, кейинчалик у шеърларида ўша бинони тилга олган. Ана ўша бино ҳам факултетимиз ва ҳам ётоғимиз эди.

1947 йил уруш энди тамом бўлган, ҳаёт оғир, талабалар ҳаёти ундан ҳам оғир эди. Шунинг учун катта бир аудиторияда каравотлар турарди. Ўнг томонида йигитлар, чап томонида қизлар ётарди. Ўртадан катта йўлак ўтарди. Учинчи қаватга дарсга чиқардик. Ётоқда қўнғироқ овози эшитилиб турарди. Мени ёдимда қолгани шуки, радиода эрталаб саккизда бериладиган концертда Саида опамнинг «Андижонга бир учи бўлганда ҳайдар кокилинг» деб тугалланадиган шеърини қўшиқ қилиб айтишарди. Шу куй давомида биз учинчи қаватга чопиб чиқар эдик, ашуланинг муаллифи ҳам ёнимизда бўлар эдилар. Беш йил ўқиш муддатида Саида опам билимини пухталаб, фақат аълога ўқиганлар. Фанларни жиддий ўқир ва чуқур ўзлаштирардилар. Биз эса, 17—18 яшар йигитчалар, ақлимизнинг чўмичига сиққанича билим олар эдик. Саида опамга ўхшаган бамаъни одамлар атрофимизда бўлганлиги бизга қаттиқ таъсир кўрсатарди. Улардан доим тўғри маслаҳатлар олиш мумкин эди. У вақтларда шеър ёзмайдиган одамнинг ўзи йўқ эди. Мен ҳам бундан мустасно эмасман. Ёзган шеърларимни опам кўрганларида «Уйғунга ўхшаб ёзар экансиз», деб, у ер-бу ерларини тўғрилаб берган жойлари ҳам бўлган. Мендан ташқари бошқа курсдошларим ҳам у кишининг кўп яхши ижодий маслаҳатларидан баҳраманд бўлганлар. Лекин беш йил ўқишимиз ҳозирги талабаларга ўхшаб ўйин-кулги билан ўтгани йўқ. Ҳаётий қийинчиликлар билан биргаликда даврнинг қийинчиликларини жуда эрта синашга тўғри келди. 50 йилларда ғоявийлик ҳақидаги гаплар авж олган пайтда, адабиётда сиёсий алғов-далғовликлар жуда кўп бўлган. Биз-ку ёш эдик, катта тўлқиндан сал четроқда эдик, бизга фақат шабадалари келарди. Саида опам шу тўлқинлар гирдобининг қоқ ўртасида бўлган вақтлари ҳам бўлган. Эсимда йўқ, иккинчи курсмидик, учинчи курсмидик, пахтага кетган пайтимизда у кишининг Саид Аҳмад ака билан тўйлари бўлган. Саид Аҳмад акам ҳам танилган ёзувчи эдилар. Биз ана шундай одамларнинг оиласи билан яқиндан таниш бўлганимиздан жуда хурсанд бўлганмиз. Афсуским, кўп ўтмай Саид Аҳмад акам сиёсий репрессияга учрадилар ва Саида опам ҳаётида жуда оғир кунлар бошланди. Бу оғир кунларнинг тафсилоти билан ҳозирги кунда ўқувчи озми-кўпми таниш. У воқеалар — тарихнинг мудҳиш кунлари. Шу азоблар ёш аёлнинг бошидан қандай ўтганлигини кўрган тирик гувоҳлардан биттасиман. Масалан, партия аъзоси бўлганлиги учун партия мажлисида тазйиқ-таъқибга учраган. Унга миллатчининг хотинисан дейишарди, нима учун уни фош қилмадинг дейишарди... Саида опам бутун оғирчиликларни бўйнига олиб, ҳаммасига бардош бериб, яқинларига гап теккизмай, оилани маҳкам ушлаб, эрига содиқ қолиб хўп ирода кўрсатган аёл. Ичимизда энг талантли толиба Саида опамга университетни битирганимизда «Гулхан» журналига адабий ходимликни тавсия этишган. «Гулхан» журналида тўхтовсиз таъқибларга қарамай, камтарона ойликка чидаб ишладилар. Мени ҳам ижод қилишга тортиб, «Гулхан»га ёзиб туринг», дер эдилар. Бир куни Белорус журналида чиққан иккита эртакни бериб юборибдилар, «шуни болалар учун таржима қилиб беринг», деб. Мен бу гапларни Саида опамнинг ўшандай оғир вазиятда ҳам ёшларга ғамхўрлик кўрсатадиган, одамларни жиддий ижодий ишга тортиш ниятида ҳаракат қиладиган одам эканини англатиш учун эсга оляпман.

Худога шукрки, кейинроқ булутлар тарқади, Саид Аҳмад акам оқланиб келдилар ва улар жуда ҳам яхши ҳаёт ва ижод йўлларини давом эттирдилар. Бу вақтларга келиб мен «Ўзбекистон маданияти» газетасида муҳаррир бўлиб ишлар эдим. Опам газетанинг фаол муаллифи эдилар. Жуда кўп шеърлари билан саҳифаларимизда чиқиб турар эдилар. Газета чиққан куни менинг юрагим така-пука бўлиб турарди. У пайтлар дўсту-душман, узоқ-яқин ҳаммаси ким оқ кўзойнак билан, ким қора кўзойнак билан бу газетани ўқирди. Саида опамнинг айрим шеърлари учун сўкиш эшитган, ҳайфсан, танбеҳ олган кунларим ҳам бўлган. Лекин муҳаррирнинг ҳаёти ўзи шу. Шу нарсага чидай оладиган одамгина муҳаррир бўлишга қодир. 19 йил ана шундай шароитда адабиёт газетасини чиқарганмиз.

Шу ўринда бир нарсани айтиб ўтмоқчи эдим. Саида опам бир сўзлик, ниҳоятда принсипиал шоира эди. У киши шеърларининг устидан ишлашларини, айрим жойларини олиб ташлашларини ёмон кўрардилар ва шу ҳоллар учрамаслиги учун ўзлари назорат қилиб турардилар. Шу боис Саида опамнинг шеърлари таҳрирсиз босилиб чиқарди. Биринчи шеърий китоблари чиққанда ҳали талаба эдилар. Китоб «Қизингиз ёзди» деб аталган эди. Сарлавҳасини Ғафур Ғулом қўйиб берган эдилар. Ғафур Ғулом, Собир Абдулло, Абдулла Қаҳҳор каби катта устозлар ҳам Саида опамнинг ижодлари билан таниш эдилар. Доим ижодий ишларини кузатиб борар, яхши ишлари билан табриклаб турар эдилар.

Саида опам ва Саид Аҳмадга зўр меҳнатлари боис яхши кунлар ҳам насиб этди. Катта-катта китоблари чиқди, асарлари саҳналарда қўйилди.

Нокамтарлик бўлиб туюлмасину, ёзувчилар уюшмаси залида Саида опам ижодига бағишланган кечада мен сўзга чиқиб шундай деган эдим: «Ўзбекнинг тарихида шоиралар жуда ҳам кўп бўлган эмас, шулардан биттаси андижонлик Раҳмонқул мингбошининг қизлари Нодира бўлса, иккинчиси эса, андижонлик Раҳмонқул Минг бошининг эмас оддий ўзбек зиёлиси Зуннуновнинг қизлари Саида Зуннунова бўлади. Мана шундай талант туфайли бора-бора бу киши ҳам Нодиралар қаторига қўшилмоқда».

Мен ўйлайманки, Саида Зуннунова ўзбек аёли тақдирини ўзининг ижодида яхши кўрсатиб бера билган улкан ижодкорлардан биттасидир. У ўз шеърларида шундай лирик қаҳрамон яратганки, унда ўзбек идеали қанақа бўлиши кераклигини баён этган. Бугунги истиқлол даврида биз миллий характерни излаётган эканмиз, уни осмондан эмас, ана шу шеърларнинг ичидан излашимиз керак. Шеърларида поклик, ростлик куйлаганлиги учун давр ўзгаргани билан шеър моҳияти ўзгармайди. Инсоннинг аҳлоқи ҳам худди шундай, туб моҳияти бир.

Саида Зуннунованинг ҳаётий фалсафаси кучли эди. Бу ҳаётий фалсафа олтмишинчи йилларда «Гулхан» журналида чиққан «Сўқмоқлар» деган қиссасида яхши ифодаланган. Ёзувчи шу қиссаси учун қаттиқ танқидга учраган. Бир куни у кишини трамвайда кўриб қолиб «опа, қалайсиз», десам, улар «вой, Лазизхон, «Сўқмоқлар» бошларимга «Тўқмоқлар» бўлиб тегди», дедилар. Аслида қиссада ҳеч бир ёмон гап йўқ эди.

Газетамизда опамнинг «Кўчалар чароғон» деган ҳикоялари чиққан. Шаҳсга сиғинишнинг оқибатлари йўқолиб, янги ёқимли шабадалар келиб, адолат тиклана бошлаганида, қувониб шу ҳикояни ёзганлар ва рамзий қилиб, «Кўчалар чароғон» деб ном қўйганлар.

Саида Зуннунова ижоди жуда бой, у ўзбек адабиётини безайдиган, бойитадиган, обрўсини оширадиган ижод, адибимиз ҳақида, унинг ёшларга меҳрибонлиги ҳақида жуда кўп гаплар айтишим мумкин. Талабалик йилларимни кўп эслайман. Суратларни кавлайман. Ана ўша суратларда ёнимда андижонча кийинган оддий, лекин ўта матонатли ўзбек аёли Саида Зуннунова сиймоси туради. Саида опамнинг кузда пишадиган гилослари бор эди. Шу гилос атрофида ажойиб оилавий суҳбатлар қурар эдик. Қисқаси, у кишининг ўчмас излари серқирра ижоди қалбимизда абадий сақланиб қолган. Укажон, шундай азиз инсонни эслаб ёнимизга келганингиз учун катта раҳмат...

**— Ўқувчиларимиз билан ажойиб инсон ҳақидаги хотираларингизни ўртоқлашганингиздан миннатдормиз. Доимо соғ бўлинг, домла!**

**Ҳусниддин ҚУТБИДДИНОВ** тайёрлади

# «Ёш куч» меҳмонимиз

***«Ёш куч» нинг янги сони босмадан чиқди. Бу йил журналнинг қиёфаси бутунлай ўзгарди, у ўз саҳифаларини янгича талқин этиш, уларга бирор янгилик олиб кириш, кўзга, кўнгилга жозибали бир нима тортиқ этиш пайида бўляпти. Бир сўз билан айтганда ҳар томонлама изланяпти.***

***Журнал фан-техника ютуқларини тарғиб этяпти, ишқий ва оилавий муаммоларни таҳлил этувчи қизиқарли мақолалар, эстрада, театр-кино ва тасвирий санъатга, адабиёт, фалсафа, эстетика ва одоб-ахлоққа бағишланган материаллар ёритяпти. Уларнинг барчасида миллий тафаккур ва маданий жараёнда содир бўлаётган шаклланишларнинг рангин манзаралари намоён бўлаяпти. Ёшларнинг ҳаётга, жамиятга ва дунёвий воқеаларга бўлган муносабатлари очиляпти. Замонавий журналнинг умумий йўналиши ва руҳи мана шулар билан белгиланмоқда. Шуларни эътиборга олиб, «МТ» мухлисларига «Ёш куч» журналининг шу йилги 2-сони саҳифаларида ёритилган айрим намуналарни ҳавола этамиз.***

## МИЛЛИЙ МАФКУРА

Зиммамизда халқимиз маънавиятини юксалтириш, келажакда ҳақиқий зиёлилар авлодини тарбиялаш, қолаверса, буюк давлат қуриш вазифаси турибди. Буни ҳудудий, сиёсий мустақиллигимиздан сўнг маънавий мустақиллик сари қўяётган қадамларимиз ҳам тақозо этмоқда. Биз миллий мафкура дея атаётган ушбу эзгу ҳаракат боғчадан дорилфунунгача, фан ва адабиётдан ҳарбий санъатгача бўлган соҳаларда акс-садо бермоғи лозим. Табиийки, миллий мафкура илмий, адабий, маърифий заҳиралар ҳисобига шаклланади.

Ва бу биз орзусида бўлган, ҳаракатида бўлган тараққиётимиз суръатларини ҳам белгилайди.

Бу дегани нафақат ўзимизники, балки дунё халқларининг энг сара илмий, бадиий адабиётларини, умуман инсониятнинг бугунга қадар тўплаган тафаккур хазинасини ўзлаштиришимиз, яъни ўз тилимизга ўгириб озиқланишимиз демакдир.

Тарихга, ўн икки аср ортга назар ташлайлик. Халифаликни уммавийлар бошқарган йиллар ислом олами учун ҳар томонлама инқироз даври бўлди. Бу маънавий инқироздан чиқишда эса, IX асрда ал-Маъмун, Хорун ар-Рашид каби халифалар ҳомийлигида кенг йўлга қўйилган таржимачилик ҳаракати ёки «Байт ул-ҳикма» муҳим рол ўйнади. Айнан шу ҳаракат XI-XII асрларда мусулмон мамлакатларида рўй берган Уйғониш даври, навбатдаги тараққиёт босқичининг тамал тоши бўлди. Ўрта асрларда таржимачилик Фарангистонга кўчди ва Фаранг Уйғониш даврига, Оврўпо Ренессансига асос бўлиб хизмат қилди. Умуман, бугун тараққиётда пешқадам бўлган қайси мамлакатни олиб кўрмайлик. Америқо, Япония деймизми, Туркия, Русиями, фаолиятлари бошида таржимачиликка катта эътибор берганликларини , ишни бошқа маданиятларни ўрганишдан бошлашганини кўришимиз мумкин.

Шундай экан, муболағасиз, таржимачилик тараққиёт гаровидир. Биз эса йўл бошидамиз. Шу нуқтаи назардан халқимизнинг атоқли таржимонларига қуйидаги саволлар билан мурожаат этдик:

**1. Сиз жаҳон адабиётидан зудлик билан ўзбек тилига таржима қилиш лозим деб билган 5 та асарни санасангиз.**

**2. Таржимачиликни кенг йўлга қўйиш учун айни вақтда нималар қилмоқ керак, деб ўйлайсиз?**

**3. Ҳозир қайси асар таржимаси устида ишлаяпсиз?**

### Иброҳим ҒАФУРОВ

**«Ёш куч» компютеридаги маълумотлар:**

***1937 йилда Тошкентда туғилган. Ёзувчи, адабиётшунос олим, таржимон, Хемингуэйнинг «Чол ва денгиз», «Алвидо қурол» Мопассаннинг «Азизим», Достоевскийнинг «Жиноят ва жазо», «Телба», «Қиморбоз», Айтматовнинг «Қиёмат», Распутиннинг «Ёнғин» рўмонларини, Фолкнер, Солженитсин асарларини, «Панчатантра»ни ўзбек тилига таржима қилган.***

1. Хорхе Луис Борхес,
2. Хулио Кортасар,
3. Ортега де Гассет,
4. Карл Ясперс,
5. Ибн Арабий асарларини.

2. Таржимачиликнинг косибчиликка айланиб қолиши қўрқулик.

Таржимачилик юксак маърифий шароит бўлгандагина равнақ топади. Шунинг учун мен ҳақиқий моҳир, иши ва ҳунарининг жафокаши ва фидокори бўлган таржимонларга маърифатпарвар деб қараган бўлардим. Таржимачилик ишларини фақат нашриётларгина рағбатлантира оладилар. Ҳозирда турли шароитлар сабаб бўлиб, моҳир таржимонлар таржималарга ундалаётгани ва рағбатлантирилаётгани йўқ. Жаҳон фалсафаси, сотсиологияси, бадиий адабиёти, санъатидан фақат таржимонлар воситасидагина етарли даражада хабардор бўлиб туриш мумкин. Ҳозирда Ўзбекистонга «Иностранная литература»га ўхшаган, шу хилдаги бир қалин журнал, нашр жуда ҳам зарур бўлиб турибди. Зудлик билан қилинадиган ишлардан бири — шундай журнални ташкил этиш ва нашр эта бошлаш.

3. Нитшенинг «Зардўшт таваллоси» асарини тугалласам деган орзуйим бор. Ким билсин, вақт яна нимани тақозо қилади...

### Нажмиддин КОМИЛОВ

**«Ёш куч» компютеридаги маълумотлар:**

***1939 йилда туғилган. Адабиётшунос олим, таржимон. Таржима назарияси, хусусан, «Хоразм таржима мактаби» мавзуида тадқиқотлар олиб борган. Филология фанлари доктори, профессор.***

***Атторнинг «Илоҳийнома», Кошифийнинг «Футувватнома», Азизиддин Насафийнинг «Зубдат ул-ҳақойиқ», Баҳоуддин Валаднинг «Маориф» асарлари каби тасаввуфга оид манбаларни ўзбеклаштирган.***

1. Авесто,
2. Румийнинг «Маснавий маънавий» асари,
3. Азизиддин Насафийнинг «Комил инсон» асари,
4. Ф. Кафка ҳикоялари,
5. Э. Фромнинг «Инсоний кайфиятлар» асари.

2. Ўзбек тилида чоп этиш ишини яхшилаш, китоб тарғиботини кучайтириш, умумий маданий-маънавий савияни кўтариш керак.

3. Мирзо Бедилнинг «Нукат» асарини таржима қилишга киришдим.

### Озод ШАРАФИДДИНОВ

**«Ёш куч» компютеридаги маълумотлар:**

***1929 йилда туғилган. Адабиётшунос, таржимон. Филология фанлари номзоди, профессор.***

***Белинский, Добролюбов, Горкий, Г. О. Ломидзе, Ю. Андреев, Э. Казакевич, В. Катаев, С. Ф. Албанов асарларини таржима қилган. Унинг таржималари орасида Хожа Аҳмад Аббоснинг «Ҳиндистон фарзандлари», П. Мерименинг «Варфоломей туни», В. Канивеснинг «Ульяновлар», Қави Нажмийнинг «Баҳор еллари», Нуриллиннинг «Абдулла Тўқай» романлари ажралиб туради.***

1. Айтматов «Кассандра тамғаси « романи,
2. Пастернакнинг «Доктор Живаго» асари,
3. Солженитсиннинг «Гулаг ороллари силсиласи» асари,
4. Гарсиа Маркеснинг «Ҳазратнинг кузи» асари,
5. И. Буничнинг «Партиянинг олтинлари» асари.

2. Жаҳон адабиётининг энг яхши асарларини ўзбек тилига таржима қилиш давлат аҳамиятига молик муҳим ишдир. Президентимиз Ислом Каримов янги жамият қуриш вазифалари тўғрисида гапирганда янгича маънавиятни барпо этиш зарурлигини қайта-қайта таъкидладилар. Дарҳақиқат, ҳар қандай жамиятнинг мустаҳкамлигини ва умрбоқийлигини таъминлайдиган асосий нарса унинг маънавияти, руҳий юксаклиги, энг покиза инсоний қадриятларга таянишидир. Фақат ўзимиздаги беш-олтита паст-баланд асарларга таяниб маънавият юксакликларига кўтарилиб бўлмайди. Шу пайтга қадар дунёда ҳеч қандай халқ ўз миллий қобиғига ўралиб олиб, руҳият чўққиларини забт этган эмас. Биламан, ҳозир бозор иқтисодиётига ўтяпмиз, яъни китоб нашр этишга, таржима асарларини нашр этишга пул чиқарадиган азаматлар борган сари камайиб кетяпти. Ўзинг учун ўл етим, деган ақида устивор бўлиб бормоқда, шунинг учун ҳам таржима масалаларини давлат ўз қўлига олмаса бўлмайди. Менимча, муҳтарам Президентимиз қошида етук мутахассислардан ташкил топган таржима марказини тузмоқ керак. Бундай марказ Ёзувчилар уюшмасида бор-ку, дейишлари мумкин. Тўғри, бор, лекин у уюшманинг ўзи рамақижон бўлиб ётипти, ҳозир бемалол нафас олишга ҳам чоғи келмаяпти. Агар бу марказ давлат ихтиёрида тузилса эди, у таржима соҳасида узоқ муддатга мўлжалланган режалар тузиб чиқар, ҳамда уни аста-секин амалга оширарди.

Бундан ташқари ўзбек тилида «Хорижий адабиёт» ёхуд «Олам» деган журнал нашр этиш керак. Унда жаҳон адабиётининг бугунги ҳаёти ёритилиши ва энг яхши асарлар таржимаси эълон қилиниши мақсадга мувофиқ бўларди. Таржима маркази ҳам, журнал ҳам анча-мунча сарф-харажат талаб қилса-да, ундан келадиган маънавий фойда ҳам чакана бўлмасди.

3. Шу кунларда менинг бир қатор таржималарим нашр бўлишини кутиб ётипти. Булар: А. Рибаковнинг «Арбат болалари» романи, машҳур инглиз ёзувчиси Луи Коллинзнинг «Ойтош» романи, инглиз шарқшуноси Водсвортнинг «Мусулмон сулолалари» китоби ва «Сталин маъшуқасининг дил изҳори» деган асардир. «Мусулмон сулолалари» маълумотнома характеридаги асар бўлиб, унда мусулмон дунёсининг биринчи қадамларидан XX



аср 70-йилларигача ўтган ҳамма сулолаларнинг рўйхатлари ва саналари берилган. Бу китоб нафақат мутахассислар учун, балки мусулмон тарихига қизиқадиган ҳар бир одам учун жуда зарурдир. «Сталин маъшуқасининг дил изҳори» эса машҳур хонанда В. А. Давидова тилидан ёзилган бўлиб, унда собиқ совет доҳийларининг интим ҳаёти тўғрисида жуда кўп биз билмаган маълумотлар берилади. Бу маълумотлар Сталин ва унинг теварагидагиларнинг ҳақиқий қиёфасини тўлароқ тасаввур қилишга ёрдам беради.

Ҳозир Ортега де Гассет, Алберт Камю, Шопенгауэр каби файласуфларнинг айрим асарлари таржимаси устида ишлаяпман.

## МУҲАББАТ ҲАҚИДАГИ ҚАДИМИЙ КИТОБ

***Ҳинд шифокори Малланага Ваисяяна III асрнинг иккинчи ярмида ёзган «Камасутра» асари инсоният тарихида биринчилардан бўлиб яратилган ва оила қуриш санъатию ҳикматига бағишланган, ҳамда ҳозирга қадар сақланиб қолган энг машҳур асар. Унда келин танлаш, у билан яқинлик қилиш чоғида эркалаш, эъзозлаш каби кўплаб ҳолатлар кўрсатилган. Шунингдек, рафиқалар учун эрнинг кўнглини олиш, ровиш қилиш, эркаланиш, ўзидан совутиб юбормаслик ҳикматлари батафсил ёритилган. Шундай қилиб, муҳаббатнинг адоқсиз оромига бағишланган асардан бир мисқол ҳавола қилинмоқда.***

Эркак киши учун юз йил яшаш имкони берилган. У ўз умрининг турли даврларида уч мақсадни алоҳида кўзлаб яшамоғи керак.

Дхарма — оилавий, ижтимоий ва диний ақидаларга риоя қилиш; Артха — моддий маъмурчиликка етишиш ва уни оқилона сарфлаш йўлини билиш; Кама — ҳиссий роҳатланиш, қониқиш (мусаввирликдан, мусиқадан тортиб то жисмоний яқинликдан кенг маънода роҳатлана билиш).

Болалик чоғида одам билим олмоғи керак, лекин билим олиш чоғида ўзга жинс вакили билан яқинлашишдан асранмоғи лозим.

Кама — эшитиш, сўзлашув, кўриш, ҳис қилиш, инсоний ақлидрок ва қалб уйғунлигидан ҳосил бўладиган сезим ёрдамида ҳузурлана билиш демакдир. Яъни, кама — ҳиссиётлар, туйғулар тарбияси воситаси-ла лаззатлана олиш санъатидир.

Қиз бола «Камасутра»да баён этилган 64 талабни пинҳона равишда ўзлаштириб олмоғи зарур. Бунинг учун у ишончли, яқин қариндош аёллардан бирортасини янга сифатида танламоғи мумкин.

64 талаб жумладан қуйидагилардан иборат: қўшиқ айтиш, хиргойи қилиш, рақс тушиш, соз чалиш, чиройли сўзлаш, сурат чизиш, қўғирчоқ ясаш, гулдаста тузиш, чевар бўлиш, шахсий озодалик (гигиена), юздаги ҳаракатлар (мимика)ни тушуниш, ўз туйғусини ифода эта олиш, ўзини ёқтириш — ровиш қилиш, тишлаш ва тирнаш (эркаланиш маъносида), ечиниш, акробатик ҳолатларни ўзлаштириш, лаззат дақиқаларини ўзаро уйғунликда ҳис этиш, шерикни рағбатлантира олиш, эҳтиросдан фойдаланиш, уйқудаги шерикни ҳоли қолдириш, ухлаб қолмаслик, қовушиб ухлаш ва ҳоказо.

Ушбу илмни ўз билимига айлантира олган эр ва хотиннинг висол онлари давомли бўлади, уларнинг айрилиқ фурсатлари ортиқ чўзилмайди.

Муҳаббат тўрт хил бўлади:

узоқ муддатлар мобайнида шаклланган одатлардан келиб чиққан муҳаббат;

тасаввур қилиш орқали туғилган муҳаббат;

қаттиқ ишонч ва эътиқодга асосланган муҳаббат;

ташқи кўринишларга кўнгил кетишдан келиб чиққан муҳаббат.

**Саида ЖЎРАЕВА**

## БИР ҲОЛ ТАРЖИМАСИ

### *ЁЛҒИЗЛИК*

Кеча «менинг юз йиллик ёлғизлигим» деган ифода кечди хаёлимдан. Бу бир қарашда муболаға, бир қарашда эса — мудҳиш бир ҳақиқатдир, руҳнинг абадийлиги соясида Сен ўз ёлғизлигингни бир қанча юз йилларга нисбатан беришинг мумкин, бемалол. «Мен ёлғизман» деган гап бор. Бу — ёлғизликка нисбатан ҳақорат ва балки-да куфрдир. Сен билан битта маконда яшаётган, бу замонни Сен билан айни вужудда кечираётган шаффоф бир борлиқни (нима бўлса ҳам у борлиқдир) — қандай инкор қила оласан?..

«Сен менинг ёлғизимсан» дейди кимдир. Бундай одамдан қўрқиш керак. Бундай одам ноҳақдир. Унинг Ёлғизлиги йўқдир. Фақат... бир неча «ёлғизлари»гина бордир, холос. Муштарак ёлғизлиги бўлмаган бир одам — жоҳил одамдир, менимча. Бундай одамнинг «мен»и жуда ҳам ғарибдир. У ўзини ҳамма нарсага бағишлай олган ва фақат ўзига, ўзлигига бағишлай олмаган бир одамдир. У ўзининг «фард бир яратилиш» эканлигини, демакки, ўзининг «ким» эканлигини ҳам унутган бир мавжудотдир. Ҳар қандай борлиқнинг ва ҳатто йўқликнинг ҳам ёлғизликка нисбатан мудҳиш даражадаги, қондириб бўлмайдиган бир нисбатда эҳтиёжи бўлади. Бу эҳтиёж инсон ҳаётда бор экан, унинг йўқлик сари бир талпинишини, йўқ экан, бор бўлиш эҳтиёжи сифатида юзага чиқади ва ҳамиша бу эҳтиёжни Ёлғизликдан бошқа ҳеч нарса қондира олмайди...

**Паҳлавон СОДИҚ**

**РАУФ ПАРФИ**

### МЕН КИТОБМАН ҲАЛИ ҲЕЧ КИМ ЎҚИМАГАН

ххх

***Бир замон фалакнинг кўзлари сўнди,***
***Аста қора кийди мудраган жаҳон.***
***Руҳимнинг асрлик музлари синди,***
***Нимадир бўғзимни кесди беомон.***

***Отилдим, номаълум, қоронғу нигоҳ,***
***Биров қулоғимга совуқ шивирлар,***
***Азиз бир товушни эсладим ногоҳ,***
***Рангин овоздир бу, гўзал ғимирлар.***

***Нақадар гўзалдир чиркин бу товуш,***
***Оҳанг вужудимни чирмади буткул.***
***Бўғилдим, инградим, титрадим беҳуш,***

***Ожиз баданимга суйканди бир гул.***
***Надир бу?! Қўлимда қора лоладир,***
***Ул кўздан ғойибдир, тирик ноладир.***

х х х

***Бош эгди қоялар, тоғлар чўкдилар,***
***Ахир қисмат парчин, ҳилқат бешумор.***
***Ромиллар даҳолар борин тўкдилар —***
***Наҳот мангулик йўқ, фано — манзил бор.***

***Оғир-оғир одимлайдир бу карвон,***
***Буюклар омонат, пастлар омонат,***
***Афсуслар омондир, хиёнат омон,***
***Радди бало бўлгур каслар омонат.***

***Нечун бошим узра қора шамоллар,***
***Осмонга игнадек нур йўқдир, нечун?***
***Балки судрар мени мудҳиш хаёллар,***

***Очғил кўзларингни, эй сўнгсиз очун,***
***Нақадар ғарибсан, борми бир сўзинг?!***
***Учиб кел, малагим, мадад бер ўзинг.***

х х х

***Эй, дил, ором надир? Кечдинг дунёдан,***
***Кўзинг қонли, бағринг сомон — янчилдинг.***
***Сен қўрқмадинг ҳақиқатдан, бу ёвдан,***
***Хиёнатнинг ботқоғига санчилдинг.***

***Тангритоғдан ваҳий келди, қайрилдим,***
***Олтинларга темирларга босдилар.***
***Мен билмадим, сен билмадинг, айрилдим,***
***Оёғимдан ҳақ дорига осдилар.***

***Изғирин Турондан, тўфонлар Чиндан,***
***Ёмғирли ёлғизлик, ғубор ичиндан***
***Муножотлар қилдим, қақшаб сиғиндим.***

***Шафтоли ранг олам найза учинда.***
***Дунёлари ёлғон, мен ўлдим чиндан...***
***Барно Бону, сизни аччиқ соғиндим.***

х х х

***1. Мен сувман, ҳали ҳеч ким ичмаган,***
***Куйган китобман мен***
***Ҳали ҳеч ким ўқимаган.***

***2. Ишонч йўқ ҳеч кимга. Бу қандай дунё,***
***Яшаб яшамайсан, бу қизиқ,***
***Ташлаб, ташламайсан, ундан қизиқроқ.***

***3. Уйқунинг дарёсида чўмилдим,***
***Ётаман уйқунинг саҳросида,***
***Мен қандай боламан, баломан.***

***4. Йиллар кўзимга сачради,***
***Жигаримга ўт қўйди ойлар,***
***Кунларимни санадим сенсиз.***

## ЁҚУТ МЎЪЖИЗАСИ

***Ёқутни киссасида олиб юрган ёки ёқут кўзли узук, зирак таққан кишининг икки юзи қип-қизил бўлиб юради.***

***Ёқут тошини ёнида олиб юрган одам чўлда бўлса ташна бўлмайди.***

***Заҳар солинган овқат ёки сувга ёқут ташланса, заҳар юзага қалқиб чиқади...***

### *ИТ ҲАМ ҚОПМАЙДИ*

Машҳур Хорун ар-Рашиднинг бебаҳо бир ёқути бўлган экан. Бир куни ўша ёқут ўғирланибди. Халифа ғазаб ўтида ёниб, саройида ҳозир бўлган барча аъёнларига зулм ўтказа бошлабди. Шунда халифанинг хизматида бўлган Беруний ёқутни топиб беражагини билдирибди ва унинг итини келтиришни илтимос қилибди. Бу ит катталиги ва қопағонлиги билан донг таратган экан. Олим мазкур итни маҳкам занжирлатиб, саройнинг барча амалдорларини шу ит олдидан ўтишларини талаб қилибди. Ҳар бир амалдор ўтганида ит уларга ташланаман деб талпинаверибди. Лекин битта аъён ўтаётганида ит тинчиб, думини қисиб ерга ётиб олибди. Беруний дарҳол шу аъённи тинтишни буюрибди. Аъённинг қўйнидан йўқолган бебаҳо жавоҳир топилибди. Ёқутни ёнида олиб юрган одамни ит ҳам қопмас экан.

### *БЕЛГА ҚУВВАТ*

Улуғбек Мирзо Самарқанд атрофидаги улкан ариқ қазилишини назорат қилиб юрганида бир мўйсафид ишчининг меҳнатини кўриб ҳайратда қолади. Чол ниҳоятда кекса ва кўринишидан камқувватлилигига қарамай, чуқурдан катта-катта лой бўлакларни олиб бир неча газ юқорига йигитлардай бемалол отарди. Подшоҳ ва унинг ҳамроҳлари бу ҳолдан лол қоладилар. Улуғбек бунда бир сир бўлса керак, деб ўйлайди ҳамда чолни ўз ёнига чақиртиради. Чол келгач, Мирзонинг буйруғи билан уни ечинтириб кўрадилар. Шунда чолнинг белбоғи орасидан беш дона қип-қизил ёқут тошчалар чиқади. Улуғбек ишчига дейдики: «Сиз қўрқманг, бу молингизга зарра тама қилмаймиз. Балки унинг ёнига тилло қўшиб берамиз. Фақат ҳозир менинг айтганимни қилинг: шу тошларни менда қолдириб, ишингизни давом эттириб кўринг!»

Чол дарҳол иш жойига қайтиб, кетмонини олади. Бироқ, қанча уринмасин, бир кетмон лойни ҳам ирғита олмайди. Ҳар отган лойи чуқурдан чиқмай, ўз устига тўкилиб тушаверади. Шундан сўнг подшоҳ бояги ёқутларни чолнинг белбоғига тугдириб қўяди. Чол яна барчани ҳайратга солиб, забардаст кишилардай, ботмон-ботмон лойни боши узра ўйнатиб, чуқурдан узоққа ота бошлайди. Шундай қилиб, Улуғбек ёқутнинг улкан қувватбахш кучини эътироф этган экан.

**Хайрулло НУРИДДИНОВ**

***«Ёш куч» саҳифасини Бахтиёр Аҳмедов тайёрлади***

